

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ОСТОНОКУЛОВ АЗАМАТ АБДУКАРИМОВИЧ**

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲИСОБИ ВА АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Остонокулов Азамат Абдукаримович**

Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни  
такомиллаштириш..... 3

**Остонокулов Азамат Абдукаримович**

Совершенствование бухгалтерского учета и аудита в свободных  
экономических зонах..... 27

**Ostonokulov Azamat Abdugarimovich**

Improving of accounting and audit in the free economic zones..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ОСТОНОКУЛОВ АЗАМАТ АБДУКАРИМОВИЧ**

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲИСОБИ ВА АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt77. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус.) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида ([www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ҳамдамов Баҳром Қасимович</b> иқтисодиёт фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ибрагимов Абдугапур Қаримович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Қурбанов Зият Ниязович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_»\_\_\_\_\_соат\_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-11-48; e-mail:tmi@ tmi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_»\_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_»\_\_\_\_\_даги \_\_\_- рақамли реестр баённомаси.)

**Н.Х.Хайдаров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**С.У.Меҳмонов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.н., профессор

**А.Ж.Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция халқаро иқтисодий тизимнинг очиқ ва самарали ажралмас қисми ҳамда ривожланишнинг асосий омили ҳисобланади. Хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида айрим давлатлар солиқлар, бож тўловлари ва маъмурий бошқарувда махсус имтиёзлар тақдим этса, бошқа давлатлар эса эркин иқтисодий зоналарни ташкил этмоқда. «Ҳозирги кунда жаҳонда 3500 дан ортиқ эркин иқтисодий зоналар мавжуд бўлиб, эркин иқтисодий зоналарда дунё ялпи маҳсулотининг деярли 500 млрд. АҚШ долларида ортиқ қисми яратилиб, уларда 60 миллиондан ортиқ киши фаолият олиб бормоқда.»<sup>1</sup> Хусусан, иқтисодий жиҳатдан ривожланган Хитойда 116 та ва Жанубий Кореяда 61 та эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилганлиги эркин иқтисодий зоналарнинг халқаро миқёсда иқтисодиётни ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этишидан далолат беради.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида «фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш»<sup>2</sup> муҳим масалалардан бири сифатида белгиланди. Мустақилликнинг ўтган 26 йили давомида юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларда рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида 14 та эркин иқтисодий зона ташкил этилган бўлиб, шу кунга қадар «Навоий», «Ангрен», «Жиззах», «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон», «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарида 486 млн. АҚШ долларига тенг 62 та лойиҳа амалга оширилиб, 4,6 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Ҳудудларда жойлашган бўш бинолар ёки самарасиз иш юритаётган ишлаб чиқариш биноларидан самарали фойдаланиш мақсадида ушбу бинолар негизида 96 та кичик саноат зоналари ташкил этилиб, 535 млрд. сўмга тенг 1021 та лойиҳа амалга оширилди ва 9,6 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.<sup>3</sup>

Хитойда махсус иқтисодий зоналар, иқтисодий ҳамкорлик зоналари, технопарклар, умуммиллий туризм зоналари, иқтисодий ва техник ривожланиш зоналари, Жанубий Кореяда экспорт зоналари, махсус иқтисодий зоналар, саноат зоналари ва технопарклар каби эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган. Мазкур зоналарда хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан

---

<sup>1</sup> [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти ([www.president.uz/uz/lists/view/1113](http://www.president.uz/uz/lists/view/1113)).

фойдаланиш инвесторларга мўлжалланган кенг кўламдаги тизимли ўзгаришлар сифатида қаралади. Халқаро бухгалтерия стандартларини жорий этишда инвесторлар билан низоларнинг олдини олиш учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича тизимли тўсиқларни бартараф этиш ҳамда хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун умумий бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сон Фармони, 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сон Фармони, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони<sup>4</sup> ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро умумқабул қилинган меъёрлар бўйича ташкил этишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу мавзуни тадқиқ этиш юзасидан хорижий ва Ватанимиз таниқли олимларининг бухгалтерия ҳисоби ҳамда аудитнинг назарий ва методологик асослари, шунингдек, халқаро стандартлардан фойдаланиш муаммоларига бағишланган илмий асарлар мавжуд. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан Р.Еwert, А.Менникен, Т.Фарол, Г.Акинчи, М.Шоллапур, С.Машешвари, У.Тате, К.Шима, Д.Янд, Э.Кентон, И.Солера, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иқтисодчиларидан А.В.Ганин, М.П.Каширина, С.С.Кардашов, В.Б.Малицкая кабиларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Шунингдек, бу борадаги мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳатлари ва ечимлари республикамиз иқтисодчи олимлари А.А.Абдуганиев, К.Б.Ахмеджанов, Р.Д.Дусмуродов, А.К.Ибрагимов, Б.И.Исроилов, А.А.Каримов, З.Т.Маматов, М.Қ.Пардаев, М.М.Тўлаходжаева, Б.А.Хасанов, Б.К.Ҳамдамов, К.Р.Ҳотамов, З.Н.Қурбанов ва И.Н.Қўзиев кабиларнинг илмий ишланмаларида ўз аксини топган.<sup>5</sup>

<sup>4</sup> www.lex.uz

<sup>5</sup> Ralf Ewert. Management Accounting Theory and Practice in German-Speaking Countries, in: Germany. 2007.; А.Менникен. "Accounting, Territorialization and Power". In London in 2012.; А.В.Ганин. Формирование учетно-контрольной системы в соответствии с МСФО на предприятиях дорожно-строительной отрасли. Автореф. дисс. ... д.э.н. – Орел. 2012.; М.П. Каширина. Методика аудита налогового учета и отчетности налога на прибыль организаций. Автореф. дисс. ... д.э.н. – Москва. 2013.; С.С.Кардашов Обеспечение

Хусусан, бухгалтерия ҳисоби ва унинг алоҳида объектларини назарий, услубий жиҳатдан такомиллаштириш, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш йўналишлари А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, М.Қ.Пардаев, К.Р.Ҳотамов, З.Н.Қурбанов каби иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Аудиторлик фаолиятининг шаклланиши, йўналишлари, ташқи ва ички аудитнинг методологияси, молиявий ҳисоботлар аудити ва уларни такомиллаштириш масалалари К.Б.Ахмеджанов, Р.Д.Дўсмуродов, А.А.Каримов, З.Т.Маматов, И.Н.Қўзиев каби иқтисодчиларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда баён этилган масалалар анча теран ишлаб чиқилган бўлсада, лекин, шу вақтгача эркин иқтисодий зоналар бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришда алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, эркин иқтисодий зоналарда халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этиш масалалари принципиал жиҳатдан янги бўлиб, таклиф этилаётган ёндашувлар миллий ўзига хосликларни ҳам қамраб олган. Шунингдек, мазкур илмий ишнинг диққатга сазовор яна бир жиҳати шундаки, унда эркин иқтисодий зоналарда белгиланган алоҳида имтиёзларнинг ҳисобини юритиш ва улар аудитини ўтказишга оид таклифлар ишлаб чиқилган. Бу эса, хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда янги мазмун касб этмоқда, таклиф этилаётган назариялар эса кўпгина тортишувларга сабаб бўлмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация мавзуси Тошкент молия институтининг тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда 2017-2018 йилларга

---

качества бухгалтерской (финансовой) отчетности инвестиционно-строительных компаний на основе раскрытия информации о финансовых рисках. Автореф. дисс. ... д.э.н. – Москва. 2013.; Малицкая В.Б. Концепция согласования учетного обеспечения, аналитического представления и аудита ликвидных элементов оборотных активов с международно признанными стандартами. Автореф. дисс. ... д.э.н. – Орел. 2013. Абдуганиев А.А. “Бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритишнинг назарий ва амалий асослари” Дисс. автореф. ... и.ф.д. – Тошкент. 2005.; Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш: Дисс. автореф. ... и.ф.д. – Т., 2016.; Дўсмуродов Р.Д. “Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубий таъминоти” Дисс. автореф. ... и.ф.д. – Тошкент. 2008.; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва кишлок хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: Дисс. автореф. ... и.ф.д. – Т., 2002.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: Дисс. автореф. ... и.ф.д. – Т., 2009.; Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини такомиллаштириш масалалари: Дисс. автореф. ... и.ф.д. – Т., 2005.; Пардаев М.Қ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари: Дисс. автореф. ... и.ф.д. – С., 2001.; М.М.Тўлаходжаева. “Организация и методы финансового контроля Республике Узбекистан” Автореф. дисс. ... д.э.н. – Москва. 1998.; Хасанов Б.А. “Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари” Дисс. автореф. ... и.ф.д. – Тошкент. 2004.; Ҳамдамов Б.К. “Ўзбекистон иқтисодий таъминоти ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари” Дисс. автореф. ... и.ф.д. – Тошкент. 2007.; Ҳотамов К.Р. Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш: Дисс. автореф. ... и.ф.д. – Т., 2016.; Қўзиев И.Н. Иқтисодий таъминоти модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш: Дисс. автореф. ... и.ф.д. – Т., 2017.

мўлжалланган ОТ-А2-31-сонли «Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда молиявий таҳлилнинг замонавий усуллари қўллаш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш юзасидан илмий, услубий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, унда қуйидаги вазифалар белгиланган:

эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этишнинг алоҳида хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириш зарурлигини асослаш;

эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ташкилий-ҳуқуқий таъминотини тизимли таҳлил қилиш орқали улар юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг халқаро стандартларини тадқиқ этиш ҳамда уларни эркин иқтисодий зоналарда қўллаш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

эркин иқтисодий зоналарда хорижий валюта муомалалари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

эркин иқтисодий зоналарда солиқ ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарда фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, эркин иқтисодий зоналарда фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти муносабатлари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот давомида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари - умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, статистика, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

эркин иқтисодий зоналарда хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатининг ишчи счётлар режаси таркиби, ҳисоб регистрлари ва уларни қўллашнинг ташкилий-услубий жиҳатлари такомиллаштирилган;

эркин иқтисодий зоналарда молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига трансформация қилишнинг муаллифлик услуги ишлаб чиқилган;

эркин иқтисодий зоналарда хорижий валюта маблағлари ҳаракати рўйхати, валюта муомалалари бўйича курс фарқларини ҳисобда акс эттириш ҳамда улар аудитининг услубий асослари такомиллаштирилган;



эркин иқтисодий зоналарда солиқлар ҳисоби ва аудитининг ташкилий-услугий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

эркин иқтисодий зоналарда аудиторлик текшируви фаолияти самарадорлигини таъминлашга қаратилган назорат тестлари ишлаб чиқилган ва таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

эркин иқтисодий зоналардаги алоҳида хусусиятлардан келиб чиқиб хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган. Мазкур ҳисоб сиёсат эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик юритувчи субъектларда солиқ имтиёзларини аниқлаш ва имтиёзлардан фойдаланиш ҳисобини соддалаштириб, ахборотларнинг ишончилигини таъминлашга хизмат қилади;

эркин иқтисодий зоналарда валюта маблағлари ҳаракати рўйхати таркибига оид таклифлар берилди. Ушбу таклиф хўжалик юритувчи субъектларда валюта муомалалари ҳисобини соддалаштириб, уларнинг аудити бўйича иш ҳажмини камайтиришга хизмат қилади;

эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат тизими ва аудиторлик рискинни баҳолашга қаратилган ҳисоб сиёсатига оид назорат тестлари шакллантирилди. Назорат тестлари аудиторнинг хўжалик субъекти ички назорат тизими тўғрисида дастлабки хулоса чиқаришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари маълумотларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, улардан эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни, эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари фаолиятига татбиқ этилиши, уларда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни самарали ташкил этиш, ахборотларнинг ишончилилик даражасини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

эркин иқтисодий зоналарда хўжалик субъектида бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи ишчи счётлар режасининг таркибий

тузилиши юзасидан таклифлари «Run Tong Metal Industrial» МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси томонидан амалиётга тадбиқ этилган («Run Tong Metal Industrial» МЧЖ шаклидаги хорижий корхонасининг 2017 йил 10 августдаги 2449-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши корхона бухгалтерия хизмати ходимларининг иш вақтини бир ойда ўртача 4 соатга камайтириб, уларнинг иш сифати ортишига хизмат қилган;

эркин иқтисодий зоналарда белгиланган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда валюта режими хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга ўтказиш услубиётини яратиш, валюта муомалаларига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда валюта операциялари ҳисоби ва аудитини ташкил этиш, солиқ ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга оид таклифлар «Навоий» эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари амалиётида қўлланилмоқда (Ўзбекистон Республикаси «Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси давлат унитар корхонасининг 2017 йил 15 августдаги 01/283-сонли маълумотномаси). Натижада, эркин иқтисодий зоналардаги алоҳида хусусиятлардан келиб чиқиб хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати шакллантирилган;

эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган хўжалик субъектларида ички назорат тизимини баҳолаш бўйича ягона услубий кўрсатма ишлаб чиқиш, солиқ имтиёзларининг амал қилиш даврида хўжалик субъектлари томонидан солиқ имтиёзлари бўйича умумлаштирилган маълумотнома шаклини тузиш ва тақдим этиш, солиқ имтиёзлари аудити режаси, дастури ва аудитни ўтказиш босқичларини ишлаб чиқиш, хорижий валютадаги дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари, хорижий валютада сотиб олинган активлар ҳамда ҳисобот даври молиявий натижаларининг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш бўйича аудиторлик текширувининг ягона ички ишчи стандартини ишлаб чиқишга оид таклифлари Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинди (Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг 2017 йил 30 сентябрдаги 112-сонли маълумотномаси). Юқоридаги таклифлар эркин иқтисодий зоналарда фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат тизимини самарали баҳолаш, солиқлар ва валюта муомалалари аудитини самарали ўтказишга хизмат қилган;

ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш, солиқ ҳисобининг хусусиятлари, хорижий валютадаги пул маблағлари ҳаракатини гуруҳлаштириш ҳамда уларнинг ҳисоби ва аудитини ташкил этиш, ички назорат тизимини баҳолаш, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга ўтказиш бўйича ишланмалари бакалаврият таълим йўналишларида ўқитиладиган «Молиявий ва бошқарув ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ва педагогик технологияларни тайёрлашда фойдаланилмоқда (Тошкент молия институтининг 2017 йил 4 сентябрдаги маълумотномаси). Ушбу таклифлар иқтисодиёт таълим йўналиши

талабаларининг эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудит борасидаги билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларидан бакалаврият таълим йўналишларида ўқитилаётган «Молиявий ва бошқарув ҳисоби», «Аудит» каби фанлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 6 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 13 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предмети ва усуллари тавсиф берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ташкилий-ҳуқуқий ҳамда назарий-услубий асослари**» деб номланиб, унда эркин иқтисодий зоналарнинг иқтисодиётдаги ўрни, эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этишнинг хусусиятлари, тамойил ҳамда йўналишлари тадқиқ этилган. Сўнгги бир неча ўн йилликларда жадал ривожланаётган давлатлар тажрибасида жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратишда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизнинг узок йиллардан буён стратегик ҳамкори ҳисобланган ва барқарор иқтисодий ривожланишга эга бўлган Хитойнинг иқтисодий ривожланишида эркин иқтисодий зоналарнинг роли катта.

Илмий изланишлар асосида ва ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб, «Эркин иқтисодий зона» тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: «Эркин иқтисодий зона - ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларга инвестицияларни жалб этиш мақсадида алоҳида имтиёзлар белгиланган, шунингдек, улардан иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишнинг ҳудудий услуги сифатида фойдаланиш, замонавий технологияларни иқтисодий тузилмага жорий қилиш учун ташкил этилган ҳудуд.»

Эркин иқтисодий зона нафақат бирор ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузилади, балки эркин иқтисодий зонадан бошқа ҳудуд ва тармоқлар иқтисодиётини ҳам ривожлантириш мақсадида фойдаланилади.

Юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида мамлакатимизда 7 та эркин иқтисодий зона - «Навоий», «Ангрен», «Жиззах», «Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон», «Ҳазорасп» ва 7 та фармацевтика саноат зоналари - «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм»лар фаолият юритмоқда.<sup>6</sup>



1-расм. Мамлакатимиздаги мавжуд эркин иқтисодий зоналарнинг ихтисослашуви ва мақсади бўйича гуруҳланиши<sup>7</sup>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг расмий маълумотлари.

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган.

Шунингдек, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги кичик саноат зоналари ҳамда ишлаб чиқаришнинг илғор технологияларини ўзлаштириш ҳамда электроника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Тошкент шаҳри туманларида инновацион технопарклар ташкил этилди. Ушбу зона ва технопаркларни қуйидагича гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (1-расм).

Эркин иқтисодий зоналар мамлакатимизда технологик тараққиёт марказларига айланиши ҳамда сифатли, замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариши, юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқарувчи сифатида халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашиши мўлжалланган.

Эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектлар миллий қонунчилик талаблари ҳамда халқаро шартномалар асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишлари ва юритишлари белгиланган. Шу билан бирга, бухгалтерия ҳисоби хизмати томонидан тузилган молиявий ҳисобот ахборотларининг ишончлилиги ва бошқа кўрсаткичлари миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувидан ўтказилади. Қуйида эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни тартибга солишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни поғоналарга ажратиб келтириб ўтамыз (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг поғоналарга ажратилиши<sup>8</sup>

Поғона	Асос	Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
1-поғона	Қонунчилик асослари	Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель, ЎРҚ-220-I-сон; Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, 2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон; Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 2000 йил 26 май, ЎРҚ-78-II-сон.
2-поғона	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Қарори, 2007 йил 4 апрель, ПҚ-615-сон; «Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори. 2008 йил 2 июль, ПҚ-907-сон; «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 24 апрель, ПФ-4720-сон ва бошқалар.
3-поғона	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари	«Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш бўйича. 1999 йил 5 февраль, 54-сон; «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги. 2000 йил 22 сентябрь, 365-сон; «Аудиторлик ташкилотлари фаолияти ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги. 2017 йил 12 май, 274-сон.

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган.

<b>4-поғона</b>	Бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий стандартлари	Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (1-24 БХМС); Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (3-90 АФМС).
<b>5-поғона</b>	Бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг халқаро стандартлари	Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (1-13 МҲХС); Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (1-41 БҲХС); Аудитнинг халқаро стандартлари (100-810 АХС).
<b>6-поғона</b>	Бухгалтерия ҳисоби ва аудитга оид низомлар, услубий кўрсатма ва бошқа меъёрий-ҳужжатлар	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш тартиби тўғрисида»ги буйруғи (Ўз.Р. АВ. 2003 йил 24 январь, 1209-сон); «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом. (Ўз.Р. АВ. 2004 йил 17 сентябрь, 1411-сон); «Юридик шахсларга, солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёزلарни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом. (Ўз.Р. АВ. 2005 йил 2 апрель, 1463-сон).
<b>7-поғона</b>	Хўжалик субъектларининг ҳисоб сиёсати ва аудиторлик ташкилотларининг ички ишчи стандартлари	Эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг ҳисоб сиёсати; Аудиторлик ташкилотларининг ички ишчи стандартлари.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартибига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда эркин иқтисодий зона ҳудудида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ёки молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ эркин иқтисодий зона иштирокчисининг танлови бўйича амалга оширилиши қайд этилган.<sup>9</sup>

Эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ташкилий-ҳуқуқий таъминотида оид қуйидаги мунозарали ҳолатлар мавжуд:

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга кўра бухгалтерия субъектлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўллаши мумкинлиги белгиланган бўлиб, унинг қай тартибда қўлланилиши бирор меъёрий ҳужжатда аниқ келтирилмаган;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (2016 йил 26 октябрь, ПФ-4853-сон), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 29 декабрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 418-сон Қарори.

тўғрисида»ги Қарори (2016 йил 29 декабрь, 418-сон) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда имтиёзлар белгиланган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиққа доир ҳисоботлар эркин иқтисодий зона иштирокчилари томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилмаслиги қайд этилган. Эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик юритувчи субъектлар имтиёз мавжуд бўлган солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ идорасига солиқ ҳисоботини топширишга зарурат йўқлигидан далолат беради;

эркин иқтисодий зоналарда божхона имтиёзлари қўлланилиши қайд этилган бўлиб, ушбу имтиёзлар бўйича назорат Божхона кўмитаси томонидан амалга оширилиши қайд этилган. Агар имтиёзлардан мақсадли фойдаланилмаса, қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда ундирилиши белгиланган. Эркин иқтисодий зоналарда фаолиятни амалга оширишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда инвесторларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда аудиторлик текшируви натижаларини инобатга олишни белгилаш зарурияти мавжуд. Божхона имтиёзи бўйича назоратни амалга оширишда замонавий мустақил аудиторлик текшируви назарда тутилмаган;

эркин иқтисодий зоналарда мақсадли солиқ имтиёзлари белгиланган бўлиб, ушбу имтиёзлардан мақсадли фойдаланиш бўйича назоратни амалга оширишда замонавий мустақил аудиторлик текширувини ўтказиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилмаган.

Эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этиш бўйича қуйидаги муаммоли ҳолатлар мавжуд:

эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб-китобларни миллий қонунчилик талаблари асосида юритиши ҳамда молиявий ҳисоботлар миллий стандартлар асосида давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилиши белгиланганлиги эркин иқтисодий зоналарда хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишда ҳеч қандай танловларсиз бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартидан фойдаланишига олиб келади;

молиявий ҳисоботлар Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилиши белгиланганлиги ўз-ўзидан молиявий ҳисоботларни миллий стандартлар асосида шакллантиришни талаб этади;

хорижий инвестицияларни жалб этиш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида қайта шакллантириш талаб этилади;

эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлар аудитида бир вақтнинг ўзида хорижий инвесторлар ҳамда ички инвесторлар манфаатини инобатга олган ҳолда миллий ва халқаро стандартлар асосида хулоса беришни талаб этади. Бу хўжалик

юритувчи субъектлар учун кўшимча харажат ва аудиторлик ташкилотларидан ортиқча вақтни талаб қилади.

Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитга қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш долзарб ҳисобланади. Тадқиқот ўтказиш давомида эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитга оид қуйидаги ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар аниқланди:

бухгалтерия ҳисобини юритишдан мақсад ҳисоботларни тақдим этишга қаратилганлиги хўжалик фаолиятини режалаштириш, мулкӣ қийматликлар ва хўжалик муомалаларининг назорати, молия хўжалик фаолиятини тизимли таҳлил қилинишига эътиборнинг етарли даражада эмаслиги;

эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг ҳисоб объектларини тан олиш ва баҳолаш талаб даражасида эмас;

эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик юритувчи субъектлар активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан юқори бўлсада, талаб даражасида ички аудит хизмати ташкил этилмаган хўжалик юритувчи субъектлар ҳам мавжуд;

эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга ўгириш ёки халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни шакллантиришда муаммоли ҳолатлар мавжуд.

Ушбу ҳолатлар келгусида эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш, молиявий ҳисоботларни шакллантириш, ички назорат тизимини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг ишончлилиги бўйича тизимли муаммоларни келтириб чиқаради. Юқоридаги ҳолатларни ижобий ҳал этиш учун қуйидагиларни тавсия этамиз:

эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобининг мақсадидан келиб чиқиб, унинг функция ва усуллари тўлиқ ишлашини таъминлаш;

«Молиявий инструментлар: маълумотларни очиб бериш» номли 7-сон ва «Молиявий инструментлар» номли 9-сон Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ҳамда «Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар» номли 8-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти асосида 2, 3, 4, 5, 7 ва 12 - Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини такомиллаштириш;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни шакллантириш юзасидан «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот», «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот», «Пул оқими тўғрисида ҳисобот», «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот», «Бухгалтерия баланси» ва «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида» бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига ўзгартириш киритиш;



эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга ўгириш бўйича кенг қамровли услубий кўрсатмаларни яратиш керак.

Диссертациянинг «**Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида эркин иқтисодий зоналарда валюта муомалалари ҳисоби, солиқ ҳисобининг хусусиятлари, бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Эркин иқтисодий зоналарда хорижий валюта муомалалари «Эркин иқтисодий зоналарда алоҳида валюта режими фаолияти тартиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади. Барча эркин иқтисодий зоналарда валюта режими ушбу низом билан тартибга солинади. Аввал фақат «Навоий» ЭИИЗда валюта режими белгиланган. Ҳозирда барча эркин иқтисодий зоналарда валюта режими ягона кўринишда юқоридаги низомга асосан тартибга солинади.

Тадқиқот объекти ҳисобланган «Навоий» эркин иқтисодий зонасида фаолият юритувчи «O‘ZMINDA» МЧЖ шаклидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг молиявий ҳисобот маълумотлари ўрганилганда ушбу корхонада сотиб олинган товар ва хизматлар ҳамда реализация қилинган маҳсулотларнинг катта қисми хорижий валютада амалга оширилган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### «O‘ZMINDA» МЧЖ ХИИКнинг хорижий валютадаги пул маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумот<sup>10</sup>

Кўрсаткичлар	2013 йил		2014 йил		2015 йил		2016 йил	
	млн. сўм	жамига нисбатан улуш фоизда	млн. сўм	жамига нисбатан улуш фоизда	млн. сўм	жамига нисбатан улуш фоизда	млн. сўм	жамига нисбатан улуш фоизда
<b>Йил бошида қолдиқ</b>	<b>142,8</b>		<b>131,5</b>		<b>220,6</b>		<b>365,8</b>	
<b>Келиб тушуган валюта маблағлари, жами</b>	<b>11861,8</b>	<b>100</b>	<b>13055,6</b>	<b>100</b>	<b>12139,6</b>	<b>100</b>	<b>12442,8</b>	<b>100</b>
Маҳсулот реализацияси	11722,6	98,8	13018	99,7	12039,9	99,2	12376,5	99,5
Молиявий фаолият бўйича					35,1	0,3	36,3	0,3
Бошқа манбалардан	139,2	1,2	37,6	0,3	64,6	0,5	30	0,2
<b>Сарфланган валюта маблағлари, жами</b>	<b>11873,1</b>	<b>100</b>	<b>12966,5</b>	<b>100</b>	<b>11994,4</b>	<b>100</b>	<b>12265,8</b>	<b>100</b>
Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўловлар	11639,1	98	12299,4	94,9	11901,6	99,2	12170	99,2
Молиявий фаолият бўйича тўловлар	234,0	2			79,9	0,7	82,5	0,7
Бошқа мақсадларда			667,1	5,1	12,9	0,1	13,3	0,1
<b>Йил охирида қолдиқ</b>	<b>131,5</b>		<b>220,6</b>		<b>365,8</b>		<b>542,8</b>	

<sup>10</sup> «O‘ZMINDA» МЧЖ хорижий инвестиция иштирокидаги корхонанинг молиявий ҳисоботлари асосида тайёрланган.

Эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларини тадқиқ этиш натижасида «Эркин иқтисодий зоналарда алоҳида валюта режими фаолияти тартиби тўғрисида»ги Низомга қуйидаги қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

хорижий валюта ҳисоб рақамларига келиб тушадиган маблағлар таркибида бошқа юридик шахслар устав фонди (устав капитали)га киритилган улуш бўйича олинган дивидендларни киритиш;

хорижий валюта ҳисобрақамларидан чиқиб кетадиган маблағлар таркибида устав фонди (устав капитал)га улуш киритган шахсларга дивидендлар тўланишини акс эттириш.

Шунингдек, «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби» номли 22-сон Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ва «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра хорижий валютада муомалаларни амалга ошириш саналарининг рўйхати берилган. Ушбу рўйхатга эркин иқтисодий зоналардаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан келиб чиқиб таъсисчиларга дивиденд тўлашни белгилаш ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича мажбуриятларнинг ҳосил бўлиш санасини киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Хорижий валютада муомалаларни амалга ошириш саналари<sup>11</sup>**

<b>Хорижий валютадаги муомалалар</b>	<b>Хорижий валютадаги муомала амалга оширилган сана бўлиб ҳисобланади</b>
Хорижий валюта счётлари бўйича банк операциялари	Пул маблағларини валюта счётида қайд этиш ёки уларни валюта счётидан ҳисобдан чиқариш санаси
Хорижий валютадаги касса муомалалари	Хорижий валютани кассага кирим қилиш ёки уни кассадан бериш санаси
Хорижий валютадаги даромадлар	Хорижий валютадаги даромадларни тан олиш санаси
Хорижий валютадаги харажатлар	Хорижий валютадаги харажатларни тан олиш санаси
Асосий воситалар, товар-моддий захиралар, бошқа мол-мулк ва хизматлар импорти	Божхона юк декларациясини тўлдириш санаси
Хорижий валютада ходимларга берилган ҳисобдор суммалар бўйича қарзларни акс эттириш	Бўнак ҳисоботини тасдиқлаш санаси

<sup>11</sup> «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби» номли 22-сон Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ва «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хорижий валютада мажбуриятларни тўлаш	Хорижий валютада мажбуриятларни тўлаш санаси
Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчилар қарзларининг ҳосил бўлиши	Юридик шахс мақомини олиш санаси
Устав капиталини шакллантириш	Устав капиталига таъсисчилар улушларини киритиш санаси
<b>Изланишлар натижасида таклиф этилаётган қўшимчалар</b>	
Таъсисчиларга дивиденд тўлашни белгилаш	Дивиденд тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган сана
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича мажбуриятларнинг ҳосил бўлиши	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш санаси

Ушбу таклифларнинг жорий этилиши эркин иқтисодий зоналардаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда хорижий валюта маблағлари кўринишида таъсисчиларга дивиденд тўлашни белгилаш ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича мажбуриятларни ҳисобда акс эттиришда курс фарқларини аниқ ҳисобга олишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунига кўра эркин иқтисодий зона ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчилари мамлакат инвесторлари ва чет эллик инвесторлар учун тенг шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиши белгиланган.<sup>12</sup>

Эркин иқтисодий зоналарда хўжалик субъектларининг ташкил этилиши илғор хорижий тажрибаларни қўллаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тўғридан-тўғри хорижий компаниялар билан ҳамкорлик қилиш замонавий ёндашувларни талаб этади. Бу бухгалтерия ҳисоби тизимини мазмунан бойитади ҳамда эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда ўзига хос жиҳатларни келтириб чиқаради.

Эркин иқтисодий зоналарда белгиланган солиқ имтиёзлари мақсадли ҳисобланиб, хўжалик юритувчи субъектлар ушбу имтиёзлардан асосан моддий техник базани мустаҳкамлаш ва моддий рағбатлантиришни амалга оширишлари белгиланган.<sup>13</sup>

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель ЎРҚ-220-I-сон (Янги таҳрир. 2009 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-224-сон) 14-модда.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 29 декабрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 418-сон Қарори.

Хусусан, «Навоий» эркин иқтисодий зонасида фаолият юритувчи «O‘ZMINDA» МЧЖ шаклидаги хорижий инвестиция иштирокидаги корхона умумий солиқ тўловчи ҳисобланиб, сўнгги беш йил давомида 95612,3 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлиб, солиқ тўлангунга қадар фойда 15498,5 млн. сўмни ташкил этган (4-жадвал).

